

«Ўзкимёсаноат» АЖ Комплаенс хизматининг 2022 йил якунлари юзасидан ҳисобот йиғилиши ўтказилди

// 03 fevral 2023 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/komplayens-xizmatining-2022-yil-yakunlari-yuzasidan-hisobot>



«Ўзкимёсаноат» АЖ ва тармоқ корхоналари Комплаенс хизмати томонидан 2022 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси в.в.б. Е. Коржиков йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала билан таништириб, Комплаенс хизмати томонидан 2022 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан қўйидагиларни маълум қилди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ ва тармоқ корхоналарида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш, соҳада привентив чораларни кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жамиятнинг 2023 йил учун «Коррупцияга қарши курашиш дастури» тасдиқланиб, соҳада коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан аниқ, тизимли чора-

тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, барча тармоқ корхоналарида «Коррупцияга қарши курашиш сиёсати», «Одоб-ахлоқ қоидалари», «Манфаатлар тўқнашувини бошқариш низоми», «Номзодларни текшириш бўйича йўриқнома», «Контрагентларни текширишга оид йўриқнома» ва «Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубияти» каби 10 дан ортиқ ички идоравий ҳужжатлар қабул қилиниб, мазкур ҳужжатлардаги тартиб-таомиллар билан ходимларни таништириш ва амалиётга жорий этиш юзасидан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2022 йил давомида «Ўзкимёсаноат» АЖ ва тармоқ корхоналарида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган «Манфаатлар тўқнашувини бошқариш низоми» талаблариға мувофиқ хизмат вазифасига кўра коррупциявий хавф-хатарлар эҳтимоли юқори бўлган 6250 нафар ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар тўлдирилди. Таҳлиллар натижасига кўра **57 нафар** масъул ходимларда манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги, **37 та** ҳолатда эса эҳтимолий (потенциал) манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги аниқланган. Мазкур ҳолатлар бўйича аниқланган манфаатлар тўқнашувларини зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида кимё саноати корхоналарида корхона ва давлат мулкларини ўзлаштириш ва коррупцион жиноятлар бўйича жами **65 та** хизмат текширувлари ўтказилган. Хизмат текширувлари натижалариға кўра тўпланган ҳужжатлар тегишли тартибда ҳуқуқ-тартибот идоралариға юборилиб, оқибатда **28 нафар** ходим жиноий жавобгарликка тортилган, **25 нафар** ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, **100 нафар** масъул ходимларга турли интизомий жазолар қўлланилган.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, 2021 йил давомида тармоқ корхоналарининг товар-моддий бойликлари ҳамда ваколатли ижара омборларида жами бўлиб **85,5 млрд сўмлик** турли товар-моддий бойликлари ва минерал ўғитлар камомади аниқланган бўлса, Комплаенс хизматлари томонидан амалга оширилган ишлар ва мунтазам ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида 2022 йил мобайнида ваколатли ижара омборларида камомадлар аниқланмаган.

2022 йилда «Ўзкимёсаноат» АЖ ва тармоқ корхоналарида коррупцион ҳаракатлар, корхона маблағларининг талон-тарож қилиниши ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қўшиб ёзишлар оқибатида тизимга жами **28,3 млрд сўмлик** зарар етказилганлиги аниқланиб, тергов ҳаракатларини олиб бораётган идоралар билан ҳамкорликда етказилган зарарни қоплаш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида «Ўзкимёсаноат» АЖ ва тармоқ корхоналарида қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар «Харидлар сиёсати» ва «Контрагентларни текширишга оид йўриқнома» талаблариға риоя этилишини таъминлаш натижасида тизим корхоналарида харидлар жараёнининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш орқали жами **7,5 млрд сўмлик** пул маблағларининг асоссиз сарфланишининг олди олинган.

Ҳисобот йиғилиши давомида жамиятда коррупцияга қарши муросасиз курашиш борасидаги ишларни мунтазам ва тизимли давом эттириш юзасидан кўрсатма ва топшириклар берилди. Шунингдек, «Ўзкимёсаноат» АЖда тасдиқланган соҳага оид ички идоравий ҳужжатлар ижроси ҳамда 2023 йилда «Коррупцияга қарши курашиш дастури»да белгиланган чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш ҳамда амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва чек кўйиш, қолаверса, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида Комплаенс хизмати томонидан мазкур соҳада устувор йўналишлар, аниқ мақсадлар ва вазифалар белгилаб олинди.



uzkymyosanoat



uzkymyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26





[uzkemyosanoat](#)



[uzkemyosanoat.uz](#)



(+99878) 140-74-26





uzkimyosanoat



uzkimyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26



uzkimyosanoat



uzkimyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26

«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати